



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги наشري

• 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

• 1993 йил, 1 октябрь № 40 (79) •

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳайъатининг кенгаши бўлиб ўтди. Уни Алоқа вазир К. Р. Раҳимов олиб борди.

Кенгашда режадаги масалалар муҳокама этилди. Алоқа вазирлиги молиявий-хўжалик фаолиятининг саккиз ойлик якунлари кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан вазирлиқнинг бўлим бошлиғи М. Маҳмудов маъруза қилди. Ҳайъатда таъқдландики, иқтисодий қайта шаклланиш даври бўлган 8 ой мобайнида вазирлик, концернлар, алоқа корхоналари томонидан алоқа воситаларининг бир маромда ишлаши учун муайян ишлар амалга оширилди.

Жумҳурият алоқа корхоналари томонидан ўтган давр мобайнида 19,0 миллиард сўм даромад қилинди. Аҳолига 2,4 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Алоқа ходимларини ижтимоий ҳимоялаш борасида иш олиб борилган ҳолда ҳар бир ишчининг 8 ойдаги ўртача маоши 15,5 минг сўмини ташкил этди. Август ойида эса ўртача ойлик меҳнат ҳақи 35,3 минг сўмга етди. Бу жумҳуриятда белгилаб қўйилган ўртача иш ҳақидан 3,1 баробар кўпдир. Бир қатор корхоналарда, жумладан Халқаро электр алоқа маркази, радио ва телевидение бирлашмасида ойлик иш ҳақи бошқа корхоналарда эришилган натижадан янги баробар ортди. Аммо «Ўзбекистон почтаси» концерни «Ўзвнешсанообхотбиз» корхонаси, ижтимоий бинолардан фойдаланиш корхонаси алоқачилари оладиган иш ҳақи 20—30 минг сўмини ташкил этди.

Жумҳуриятда биринчи бўлиб 1-автотранспорт корхонаси хусусийлаштирилиб, жамоа мулкига айлантилди. Аммо ҳайъат аъзолари эътиборни йўл қўйилган камчиликларга, ҳал этилмаган масалаларга, бой берилган имкониятларга қаратишди. Шу нарса ачинаши билан таъқдландики, қурилиш кўлами пайсаёй, янги бинолар бунёд этиш оқсамда, тармоқни ривожлантириш ва

лаш, ташкилотлар, жамоа ва давлат ҳўжаликларини, алоҳида фуқаролар алоқачилардан 3 миллиард сўм қарздор бўлиб қолиши. Айрим алоқа корхоналарида ундирилган қарзнинг 100 фоизи ойлик маошнинг тўлашга сарфланмоқда. Уз вақтида тўланмаган қарзлар алоқа корхоналари ва жамоаларида мураккаб молиявий ҳолатни вужудга келтириш билан бирга, ойлик маош сифатида

ганда 3—5 баравар камайиб кетгани билан асло келишиб бўлмайди. Почта 80 фонздан кўпроқ нафақа ва ёрдам пули тарқатиш ҳисобига фаолият кўрсатяпти. Мижозларнинг почта хизматидан кўнгли тўламаяпти, чунки матбуот нашрлари, хат, шоссилниномалар элтиб бериш учун хизмат ҳақи оширилганига қарамай, хизмат сифати мутлако талабга жавоб бермайди. Шу боис

«Ўзбекистон почтаси» концерни фаолиятини таҳлил этар экан, унинг фаолиятида ҳам жиждий камчиликлар мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтди.

Унинг октябрь ойи охирида берадиган тасвиялари келгуси йилда вазиятни ўнглашга ёрдам бериши мумкин.

Ҳайъат «Ўзбектелеком» концерни фаолиятини таҳлил этар экан, унинг фаолиятида ҳам жиждий камчиликлар мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтди. Утган 8 ойда тарифларнинг ошиши ҳисобига 8 миллиард сўм даромад қилинган ҳолда унинг асосий қисми харажат учун сарфланди ва олинган фойда бор-йўғи 2,3 миллиард сўмдир. Самарқандлик 42 фонзини ташкил этди. Айрим корхоналарда бу кўрсаткич озгина юқори ёки аксинча бироз кам. Бу шунга кўрсатидики, корхоналарда ва умуман концернда молиявий фаолият ўз вақтида таҳлил этиб борилмаепти. Ҳайъат электр алоқа корхоналарида малакали хизмат кўрсатиш ҳажми камайгани; хатто айрим ҳолатларда тармоқнинг издан чиқиши ҳоллари кузатилингани таъкидлади. Утган даврда телефонлар, маҳаллий ва шаҳарлараро таксофонлар, аяниқса радио нуқталар қисқарди. Афсуски, бундай хунук ҳолат юз бераётган корхоналарда, концернда камчиликлар атрофлича кўриб чиқилмаепти. Тўғри, концерн раисининг ўринбосари А. Х. Алимбоев ўз сўзида юзага келган ҳолатни ўнловчи, телефон тармоғи, қисқариб кетишининг олдини олиш борасида амалга оширилётган ишлар хусусида гапириб ўтди. Аммо шунга қарамай тармоқни ривожлантириш талабга жавоб бермайди. Капитал қурилишга жуда кам миқдорда маблағ ажратилмоқда. Ишга туширил-

[Давоми 2-бетда].

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

сифатга эътибор бериш кониқарсиздир. Утган 8 ой мобайнида бор-йўғи 9,4 минг рақамга мўлжалланган АТС ишга туширилди, 9 километр кабель ётқизилди. Атиги 1 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу кўрсаткичнинг 780 минг сўмини қурилиш-монтаж ишлари ташкил этди. Бу кўзда тутилган режадан анча пастдир.

Алоқа корхоналари раҳбарларининг боқи-беғамлиги, бозор муносабатларига мутлақо эид бўлган молия-иқтисодий фаолиятнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши туфайли айрим мижозлар узоқ вақт мобайнида алоқа хизматларидан бепул фойдаланиб келишди. Бошқа ҳолатда эса хизмат кўрсатишда, тегишли ҳақ тўланмади. Натижада қарздорлар соғи кўпайди. Бир қатор корхона-

пулни беқийс даражада қадрсизлантирмоқда. Бу эса иқтисодий йўқотишларга олиб келаётди.

Афсуски, бу борада ҳеч қандай иш олиб борилмаепти. Наманганда қарзи бор мижозларнинг телефонини ўчириб қўйишмоқчи бўлишди. Аммо тез орада бу ҳеч қандай натижа бермаслигига амин бўлишди. Энди кўпчилик бошқага йўл тутмоқда. Янги шартномалар тузиш орқали алоқа хизмати кўрсатилганида ўз вақтида ҳақ тўламаганлиги учун юқори баҳода жарима белгилаш кўзда тутилляпти. Бу чора тўғрроқ бўлса ажаб эмас.

Ҳайъат почта алоқасининг кескин қисқариб кетишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Хизмат кўрсатиш ўтган йилнинг шу даврига қара-

аҳоли бу масалада турли ташкилотларга шикоят қилишга мажбур бўлмоқда. Ваҳоланки бу масалалар тезкорлик билан мижозлар фойдасига жойларда ҳал этилмоғи лозим. Бунинг устига кўпчилик корхоналарда жўнатилмаётган пулни ўзлаштириш ҳоллари юз бермоқда. Утган 8 ой ичиде 3 миллион сўм ўз эгаларига етказиб берилмаган. Ҳайъат «Ўзбекистон почтаси» концернининг янги раҳбарияти (С.С. Акбаров) эътиборини камчиликларни зудлик билан тугатиб, почта хизматининг камайиб кетишига йўл қўймай, уни ошириш вазифасига қаретди. Шунга эришиш лозимки, ходимларнинг моддий манфаатдорлиги бевосита уларнинг хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ бўлсин. С.С. Акбаров ўз сўзида шунга ишонтирдики,

● Москвада Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти И. Каримов бошчилигидаги республикамиз делегацияси иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркда очилган Бош ассамблеясида қатнашиб, нутқ сўзлади. У БМТ Бош ассамблея мажлиси Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатларини ривожлантиришда, Урта Осиё минтақасидаги барқарорликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлганини таъкидлаб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори билан З. И. Есеибеов Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жағғарга бошқарувининг раиси этиб тайинланди.

● Самарқандда бутун дунё ҳаммилларининг XI Халқаро анжумани иш бошланди. Унда Ҳамдўстлик давлатла-

ОЛАМДА НИМА ГАП ?

* ЯНГИЛИКЛАР * ХАВАРЛАР * ВОҚЕЛАР *

ри, АҚШ, Англия, Канада, Австрия, Швеция, Финляндия, Германия, Франция сингари мамлакатлардан юздан ортқ шифофор олим қатнашмоқда.

● Бухорода маҳаллий телестудия ўз кўрсатувларини бошлади. Бир соатлик дастурлар ўзбек, тожик ва рус тилларида олиб борилди.

● «Ўзбекистон» телерадио эшиттириш компаниясининг хоржий мамлакатлар учун эшиттиришлар берувчи Тошкент бўлими ташкил этилганига 45 йил тўлди. Бугунги кунда 11 тилда тайёрланаётган эшиттиришларнинг 60 мамлакатдаги радиомухлислар тинглашмоқда.

● Россия Президенти Б. Ельцин Президент қарорини бажаришдан бош торгани учун жавобгарликка

жалб этиш тўғрисида фармон чиқарди. Унга кўра Президент фармоиларини бажаришдан бош торган мутасаддилар қонун бўйича жавобгарликка тортиладиган бўлди.

● Украина Олий Кенгаши мамлакат парламентига янги сайловларни 1994 йил 24 мартда, президент сайловларини 1994 йил 26 июнда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Халқаро қайта таъмирлаш ва тараққийет банки Вашингтонда «Шарқий Осиё мўъжизаси»ни эълон қилди. Унда бутун жаҳонда иқтисодий тараққийет суръатлари насайтанлигига қарамастан утган йил Шарқий Осиёда иқтисодий ўсиш суръати 8,9 фонзга етганлиги қайд этилган.

● 1993 йилнинг охирига бориб Россияда салкам мингта хусусийлаштирилган алоқа корхоналари фаолият кўрсатади. Утган йили хусусий алоқа корхоналари 200 тага етмасди.

● Афғонистонда туқунда бўлган собиқ уч нафар шўро ҳарбий хизматчиси — Рубин, Оленин ва Степановлар Ватанга қайтмасликка аҳд қилишди. Улар бу ҳақда Мозори Шарифдаги Россия Федерациясининг бош элчисига маълум этишган.

● Бразилияда ўзинга хос ишловчи телефони фаолият кўрсата бошлади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси телефон рақамини териб, ҳукуматнинг фаолияти хусусида бемалол очиқ фикр билдириши мумкин.

● Веларусь ҳукумати Польша билан бўлган Чегарасини янада мустаҳкамлашга қарор қилди. Яқинда ишбилармонлар сайёҳ гуруҳи сифатида 39 нафар Афғонистон, Покистон ва Туркия фуқаросини хоржига жўнатишга бўлишгани шундай амалий чоралар кўришга мажбур этган.

БУТУНГИ

СОҢДА:

- БИЗ МИЛЛАТГА АЙЛАНПМИЗ
- ТЕНГИ ЯУҚ АЛОҚАЧИЛАР
- ЭНГ ҚИММАТ МАРКА
- СОҒЛОМ БУЛАЙ ДЕСАНГИЗ...
- ВАТАН ДАРДИДА ҚУЙГАН ЙИГИТ

КЕЛГУСИ

СОҢЛАРДА:

- РАҚОБАТ — ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ
- КРЕЙГ МАКРЕЙ: «ЎЗБЕКИСТОН — СЕХРЛИ ДИЕР»
- ЯПОНЛАР ҚАНЧА ДАМ ОЛИШАДИ?



ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ётган биналар сони 3—4 баробар қисқарган. Ваҳоланки, тармоқни ривожлантирмай туриб телефон хизматини кенгайтириб бўлмайди.

Хайъат алоқа корхоналари фаолиятида ютуқлар ҳам бўлишига қарамой камчиликлар кўпчилигини қайд этди. «Ўзбекистон почтаси» концерни муаммоларни ҳал этиш борасида фаолроқ ҳаракат қилмаётти. «Ўзбектелеком» концерни ходимларида эса асосий ишлаб чиқариш масалаларини ечишда қатъият етishмайди. «Ўзбекалоканвест» концерни режа ва топшириқларни ўз вақтида бажармаётти. Қурилышларни ўз вақтида моддий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи ҳал этилмаган. Иш сифатига эътибор берилмаёттир.

Алоқа вазирлиги хайъати қабул қилган қарорда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва корхоналар фаолиятини кучайтириш юзасидан тадбирлар белгилади. Хайъат кенгашида аҳолига хизмат кўрсатиш масаласи ҳам таҳлил этилди. Утган давр мобайнида аҳолига 2,4 миллиард сўмлик алоқа хизмати кўрсатилган.

Бир қатор корхоналар, жумладан Тошкент шаҳар телефонлаштириш ва радиолаштириш корхонаси, Халқаро электр алоқа маркази аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажминини оширишга эришди. Аммо «Ўзбекистон почтаси» ва «Ўзбектелеком» концернларида хизмат кўрсатиш ҳажми қисқариб кетди. Йилнинг ўтган даври мобайнида почта хизмати кўрсатиш 3—4 баробар, шосселинчнома тарқатиш 43 фоз, шаҳарлараро телефонда сўзлашиш 8 фозга қисқарди. Ҳар икки концерн жамоаси вужудга келган шароитни ўнглаш борасида астойдил меҳнат қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилашди лозим.

Кенгашда телефонлаштириш суръати пасайган, шаҳарлараро телефонда сўзлашув имкониятлари камайган, республикадан ташқарига юбориладиган юбортма жўнаштидаги вақтинчалик чеклашлар мавжудлиги, алоқа корхоналари моддий таъминоти ёмонлашгани, эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминланмаётганлигини қайд қилиб ўтилди. Бундан ташқари, айрим раҳбарларнинг суств-

лиги ҳам ишга тўсқинлик қилди. Юзга келган вазиятга атрофлича баҳо берган хайъат аҳолига алоқа хизмати кўрсатишни кучайтириш юзасидан аниқ тадбирлар белгилади.

Анъанага кўра, бу галги хайъат кенгашида ҳам биринчи бўлиб алоқа корхоналари раҳбарларини тайинлаш ва ишдан озод қилиш масаласи кўриб чиқилди. Хайъат Давлат алоқа назорати инспекциясида кадрлар билан ишлаш қўмқарсиз эканлигини, ходимлар етишмаслиги ва ишда қўнимсизлик мавжудлигига эътиборини қаратди.

Алоқа вазири К. Р. Раҳимов масалага кенгроқ қараб, ўз корхонаси фаолиятини чуқурроқ билмаган, иқтисодий, молиявий ҳолатини ўнглаш борасида аниқ тадбирлар белгиламаган, иш сифатини оширишга ҳаракат қилмаган раҳбарларнинг хайъат кенгашида иштирок этишига энди йўл қўйиб бўлмаслигини айтди. Бозор муносабатлари даврида ўз ишини пухта билмаган, ташаббускор бўлмаган раҳбарлар асло кечирилмайди. Янгича ислохот раҳбарлар қўбилитини аниқлашга янгича ёндошишни тақозо этмоқда.

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги хайъати ва «Ўзбекистон почтаси» концерни кенгашининг қарорига биноан, Алоқа вазирининг буйруғига кўра шу пайтгача концерн раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Саидмаҳмуд Саидович Ақбаров концерн раиси этиб тайинланди.



С. С. Ақбаров 1946 йили Тошкентда туғилган, ўзбек, маълумоти олий 1972 йилда Тошкент электр алоқаси институтини тугаллаган. У меҳнат фаолиятини 1964 йилда Тошкент шаҳар «Союзпечать» дирекциясида таъминотчи вазиридан бошлаган. 1965 — 1966 йилларда Тошкент шаҳар телефон тармоғида участка монтери, 1966 — 1972 йилларда вилоят радиолоштириш дирекцияси ва «Союзтелефонстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли АТС қурилишининг шаҳар дирекциясида техник ҳамда муҳандис бўлиб ишлади. 1972 — 1973 йилларда Алоқа вазирининг ёрдамчиси бўлди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар телефон тармоғидаги

алоқа боғламаси бошлиғининг ўринбосари, Тошкент вилоятидаги Оҳангарон ва Наримонов алоқа тугуналарининг бошлиғи, Тошкент шаҳар телефон тармоғи алоқа боғламаси бошлиғи, Минск шаҳрида малака ошириб келгач, Алоқа вазирлигида етанчи мутахассис, 1991 йил май ойдан бошлаб Республика матбуот тарқатиш марказининг бошлиғи, 1993 йил март ойдан бери «Ўзбекистон почтаси» концерни раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги хайъати, «Ўзбектелеком» концерни кенгаши қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйруғи билан шу пайтгача Сурхондарё давлат электр алоқаси корхонасида бош муҳандис бўлиб ишлаб келган Тоҳир Муҳаммадшоевич Бекметовни «Ўзбектелеком» — концернининг раиси этиб тайинлади.



Т. М. Бекметов 1950 йили Сурхондарё вилоятининг Узун посёлкида туғилган, татар, маълумоти олий — 1972 йилда Тошкент электр алоқаси институтини тугаллаган.

У меҳнат фаолиятини 1972 йили Термиз техник алоқа боғламасида катта муҳандис вазифасидан бошлаган. Сўнг шу боғламадаги лаборатория бошлиғи, 1973—1974 йиллари Узун алоқа цехининг бошлиғи бўлиб меҳнат қилди. 1974—1976 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб қайтгач, яна Узун алоқа цехини бошқарди. 1978—1979 йилларда Узун туман алоқа боғламасида бош муҳандис, 1979—1981 йиллари Сурхондарё вилоят

алоқа ишлаб-чиқариш техник бошқармасида бош муҳандис вазифасида хизмат қилди. 1981 йили у Узун туман алоқа боғламаси бошлиғи этиб тайинланди ва бу вазифада 1987 йилгача ишлади. Шу йил январ ойдан бошлаб у Сурхондарё вилоят алоқа ишлаб-чиқариш техник бошқармасида, кейинроқ эса давлат электр алоқаси корхонасининг бош муҳандиси бўлиб ишлади. 1989—1990 йилларда Запорожье вилоят алоқа ишлаб-чиқариш техник боғламасида малака оширган.

● СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШАПТИ?

БЕМИННАТ ПОЧТАЧИ

Андижон шаҳридаги 11-алоқа бўлимининг ходими Гуломжон Бақировнинг номини катта-чо кичик ҳурмат билан тилга олади. У 23 йилдан буён алоқа соҳасида хизмат қилиб, эл олдчилигига сазовор бўлиб келмоқда.

Гуломжон ака ҳар куни 500 хонадонда бўлиб, хат-хабарлар, кундалик матбуот нашрларини тарқатади. Ишчан почтачи хизмат қилаётган ҳудудда 400 дан ортққ қафқаҳурга ҳар ойда 8

миллиондан ортққ пул тарқатади. Унинг хизматидаан Орифжон Турсунов, Иброҳимжон Расулов, Жонтура Қорабоев, Турсунбой Убайдуллаев, Мирзажон Қўшоқов каби қариялар беҳад хурсанд.

— Биз, — дейди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Орифжон Турсунов, — Гуломжоннинг беминат меҳнатини жуда ҳам қадрлаймиз.

М. АБДУЛЛАЕВ

МОЛДОВАЛИК АЛОҚАЧИЛАР ҲАМКОР БўЛИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида Молдова Республикаси информатика, ахборот ва Алоқа вазирлиги билан электр ва почта алоқаси соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги аҳдлашувга нима чекилди. Мазкур шартнома икки давлат ўртасида электр ва почта алоқасининг кенг йўлга қўйиш, икки ўртадан ўтадиган почтага жавобгарликни ошириш, радио ва телевизион дастурлар ва матбуот нашрлари тарқатиш масалаларини ҳал этади.

Томонлар алоқа корхоналарида ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида фаолият кўрсатиш масаласини ҳам келишиб олдиди.

1994—ХАЛҚАРО ОИЛА ЙИЛИ

Туркия Бош вазирлиги Оила тадқиқот ташкилотининг хабарига кўра, БМТ 1994 йили Халқаро Оила йили деб эълон қилди. Шу муносабат билан барча давлатлар қатори Туркия ҳукумати ҳам бу анжуманга тай-

ёргарлик кўришни режа-лоиниҳалар тузиш билан бошлади. Бу режа-лоиниҳаларда оиланинг мустақамланлиши, ҳақ-ҳуқуқ ва болалар масаласи, шунингдек бошқа қатор масалалар ўрин олган.

ЭНГ ҚИММАТ МАРКА

«Британия Гвианаси» деб номланган марка дунёда яқин-ю ягона нухада бўлишдан ташқари, дунёга «адашиб» келганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Бу марка 1856 йили чоп этилган эди. Уни босиб чиқариш пайтида матбаа хатосига йўл қўйилган бўлиб, нархи 4 цент ўрнига 1 цент деб кўрсатилган.

Буни пайқаб қолиб, арзон маркани тезда йўқотиб юборишди. Лекин буни қарангки, маркалардан биттаси сақланиб қолган экан. Ҳозир бутун дунё марка йиғувчиларининг фикру хаблини банд этган марка — жўнгина расмли ўша бир парча қоғоздир...

Уни тағин тилга олишимиз босиб шундаки, «Британия Гвианаси» маркасининг нархи хабар қилганидан ҳам ошиб кетди. Чунинчи, 1970 йил 24 мартда Нью-Йоркнинг «Уолдорф-Австрия» меҳмонхона-

сида дунёдаги нодир маркаларининг ким ошди савдоси бўлди. Бу ерга олиб келинган 270 тадан ортққ марканинг савдоси тугагач, озири гал «Британия Гвианасига» келди.

Раислик қилувчи марканинг баҳосини 100 минг доллар деб эълон қилди. Бироз ўтиб, нарх 120 минг долларга чиқди. Сўнгра бу рақамга яна ҳар сафар 10 минг доллар қўшила борди. Баҳо 200 минг долларга чиққанда лондонлик маркафуруш Р. Лёве ўйиндан чиқди.

Ниҳоят, пенсильваниялик И. Вейнберг 280 минг доллар тўлайман дегач, залдан садо чиқмади. Шундай қилиб, И. Вейнберг салкам уч юз минг доллар тўлаб, капалакнинг қанотидан ҳам кичик қоғозга эга бўлди.

А. АЛИЕВ тайёрлаган



Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб-чиқариш бирламаси меҳнаткашлари Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини муюнсиз кутиб олдидлар.

СУРАТДА: бирлашма оператори Маҳбуба Тулаганова. Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратта олган

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Маълумки, бугунги кунда янги бино қуриш ёки бунёд этилаётган биноларни ишга тушириш мушкуллашмоқда. Узоқ йиллар мобайнида юзга келган ҳамкорлик, етарли миқдорда маблағ билан таъминланиш, асбоб-ускуналарнинг ўз вақтида етказиб бериш тартиби издан чиққан. Янги бино қуришга маблағ топилмаслиги алоқачиларни ҳам қийин аҳволга солиб қўймоқда. Эндиги кунда янги бино қуриш учун маблағ излаб топилш даркор. Аммо уни топиш ҳам осон юмуш эмас. Ахир алоқачиларнинг маблағ излаб, хизмат кўрсатиш ҳақларини ҳадеб оширавериши ҳам инсофдан эмас.

Қанчалик оғир вазият юзга келишига қарамай, жумҳуриятнинг бир қатор ҳудудларида қурилиш муаммоси баҳоли қудрат ҳал этилмоқда. Кимки ўз фаолиятини кенгайтиришни ўйласа, халққа яхши хизмат кўрсатишни ният қилса, янги қурилиш учун имкониятлар топади. Бу юмушга керакли миқдорда маблағ ак-

ратиб, келажакда ундан фойда олишни кўлайди.

Хоразм вилоят электр алоқаси корхонасининг бошлиғи А. Б. Бекназаров янгича ўйлаб иш тутадиган раҳбарлардан биридир. Истиқболни олдиндан кўра билиб, ҳамкасбларини ҳам бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишга кўндирди. Шу боис корхонада қурилиш муаммоларини ҳал этишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Узоқни кўзлаб иш тутиш туфайли жорий йилнинг 8 ойида Йўлдош шаҳарчада ва Богот туманида 300 рақамга мўлжалланган АТС ишга туширилди. Йўлдош шаҳарчада туман алоқа тугунининг бизнеси куриб битказилди. Энг муҳими, алоқачилар учун 8 хонадонга мўлжалланган тўрар-жош бизнес фойдаланишга топширилди. Ҳозирги шароитда 8 оиланинг уйли бўлиши ҳам қувонарли воқеадир.

Корхонада қурилиш ишларини яна кенгайтириш режаси тузилмоқда. Бунинг учун тегишли маблағ топилш йўллари изланмоқда.

А. КУДИНОВ

Германияда телефон орқали овқатни қандай тайёрлаш йўллари, сабзавот ва бошқа махсулотларни қардан, қанчага сотиб олиш ҳақида маълумот олиш мумкин. ГФРда напир этилаётган маълумотномада бу ҳақда керакли ахборот олса бўлади. Унда ҳатто печкачи уста ёки отилган қушларни етказиб берадиган одамнинг телефон рақамига ҳам қўйилган.

Санкт-Петербургдаги «Севкабел» бирлашмасида ўзидан нур ўтказувчи кабел ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шиша толасининг қўлланилиши оний бир лаҳзада минглаб каналлар орқали телефон, телекс ва телевизион ахборотларнинг беҳисоб оқимини узатишга имкон беради.

Япониядаги «Видеокон интернэшнл» компанияси видеотелефонларнинг биринчи Халқаро тармоғини бунёд

этишга киришди. Видеотелефонлар Токонио Сингапур, Лос-Анжелес, Нью-Йорк, Лондон билан боғлайди.

Львовдаги «Электрон» бирлашмасида яратилган теле-

рида тоддий телевизор орқали беш ўз дастурни қабул қилиш имконини берадиган ноёб тизим яратилмоқда. Бу ишда тола-ёруғлик алоқаси қўл келади.



визорнинг олтинчи туркуми деярли қирқта дастурни қабул қилишга яради. Унга видеоматнитофон ва ҳисоблаш комплексини улаб қўйиш ҳам мумкин.

Америка Қўшма Штатла-

Санкт-Петербургдаги А. С. Попов номли Марказий алоқа музейида почта қўтиларининг ноёб нусхалари тўпаланган. Бу ерда ёгондан исалиб, атрофи металл билан қопланган биринчи почта қўтисидан намуна ҳам бор. У 1848 йили яратилган. Нусхалар орасида назини қирқ килодан ортиқ келадиган чўяни почта қўтиси ҳам бор.

Франциялик бир талаба телефон тармоғига қонунсиз дахл қилгани учун қамоққа олинган. Бундай жазо чораси телекоммуникация тизимларини назар-писанд қилмайдиганлар учун жиддий огоҳлантиришдир.

(«Ревю-связь Центральной Азии»)

• Алоқа тарихидан Махсус газета экспедицияси

Россияда вақтли матбуотни тарқатиш иши илк бор 1838 йили Петербург почтаси томонидан амалга оширилган бўлиб, биринчи марта «Северная пчела» газетаси тарқатилган. Айни чоғда Почта департаментининг 1836 йилги ҳисоботида петербурглик обуначиларга «Земледельческая газета» ва «Библиотека для чтения» журналлари элтиб берилганлиги қайд қилинган.

1841 йилга келиб тарқатиладиган газета ва журналлар сони ўн олтига етган. 1852 йили Петербург почта-тамти қошида махсус газета

экспедицияси ташкил этилган.

1869 йилнинг бошидан почта орқали вақтли матбуотга обуна бўлиш йўлга қўйилган. Нашрнинг йиллик қийматидан 20 фоизи почта фойдасига ўтказилган.

Газета экспедицияси ташкил этилган даврга келиб Петербург ҳар бирига учтўрттадан хат ташувчи хизмат қиладиган 21 та оқругга (илгариги 17 та ўрнига) бўлинган. Мижозларга бир кунда илгариги уч марта ўрнига олти мартадан хизмат кўрсатишган.



Ҳайрат...

Суратқаш Р. ШАРИПОВ

Бундан икки йил олдин Эзбекистонда мустақиллик кўплар учун ҳаёл, фантазия, орзу эди. Кўплар уни хаёлларига ҳам келтирмас эди. Уларга мустақиллик эришиб бўлмайдиган бир нарса бўлиб қолган эди.

Ўзбеклар ўз қадим отабобо маконларидан қувилмагандай, ер излаб, жой излаб, саргандор бўлмагандай яшар эдилар. Тўй-азалари андан тазийқлар, дилхиралликлар билан бўлса-да, ўтиб турарди. Нимага қандай эттиқод қилиш белгилаб берилган, фақатгина миллатдан, тилдан, ўз тақдирини ўзи белгилашдан, демократиядан, истиқлолдан сўз очилмаса бас эди. Булар ҳақида чурқ этиб оғиз очилмаса янада саз эди. Улар ҳақида ўйламасди, уларни одамларнинг онгидан суриб чиқариш учун ҳамма чоралар кўриларди.

Қоғозларда республика деган номи бор эди. Лекин бу том маънода қоғоздан асалган ва аямасдан қизил ранглар чаппаб ташланган қоғоз кўрғон эди. Уни чоранининг меросхўри қизил салтанат истаганча истифода қиларди. Ўзи истаган йўриққа соларди. Ўзи хоҳлаганча хангома-ларни амалга оширарди.

Буни қарангки, ҳамма шу қоғоз кўрғонга ўрганиб, одатланиб, унга кўнииб ва уни севиб, ва ҳатто, унга эттиқод қўйиб ҳам қолган эди.

Болалар боғчалари, мактаблар, олий мактаблар, турли илм даргоҳлари — ҳаммаси бор эди. Буларнинг бари фақат қизил империя учун ишлар, қизил империя учун одам етиштирар, лекин фақат миллат, дин, мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, инсон ихтиёри ҳақида ўйланмаса, гапирилма-

он ўзбек тилида майдонга келди. Имом Бухорий, Термизий, Аҳмад Яссавий, Алихон Тўра Соғуний...

Мен қаерда бўлсам, ёнаторфимдаги одамлардан, «Соғунийни ўқидингизми?» — деб сўрайман. «Тарихи Муҳаммадий» ҳақида улар билан суҳбатлашгим келади. Лекин кўплар секингина бош

буюк маданий ҳодисаларнинг олдий бир воқеадай қабул қилинганлигининг боиси бир томондан халққимизнинг ўта ваазинлиги бўлса, иккинчи томондан шу халқнинг мустақилликда яшаб кўрмаганлиги экан.

Лекин... мана тез орада ҳақиний мустақиллик ва чин мустақил давлатнинг белги

фаатли йўллардан боришга ҳақли.

Биз кўп минг йиллик халқимиз. Одам Ато ва барча Набию мурсалинлар ва барча авлибуллоҳлар бизнинг ҳам боболаримиздир. Биз тўла маънода уларнинг гўзал маънавиятлари ва до-нишмандликларига меросхўрмиз. Ҳа, халқ эдик. Бизнинг халқ сифатида юздан ортиқ номимиз бор эди. Ўғуз, турк, чигатой, ўзбек...

Биз қадим халқимиз. XX асрга келиб бизга ҳудудларимизни белгилаб берди ва биз миллат бўлдик. Тарихий номларимиздан фақат биттасини танлаб олдик. Энди бизни жаҳон ўзбек деб таниди. Шундай қилиб, туркийлар жаҳонга жуذا кўп миллатларни берди. Бир тил асосида гўзал миллий тиллар шаклланиб етди. Бу ранг-баранглик илохий неъматдир.

Энди биз миллатимиз! Энди бизнинг ҳафсаласиз бўлишга, лоқайд бўлишга, лаян ва гаранг бўлишга ҳаққимиз йўқ. Неча минг йиллик ақд чирокимиз ўчган эмас. Ҳазрат Нақшбанд айтганларидай, бу чирокнинг ёнган пиллигини ҳаракатга келтириш керак. Миллат олдида ҳозир ва келгусида битта мажбурият бор: ақл пиллигини ҳаракатга келтириш! Ақд ҳаракатга келганда миллатда рагнақ бошланади.

(«ЗАМАН» газетасидан)

БИЗ МИЛЛАТГА АЙЛАНЯНИМИЗ

са, ёзилмаса кифоя эди. Халқ ҳам шу ибтидоий турмушга кўнди. У ўз ерида яшаб туриб ўз еридан айрилиб қолаётганлиги, ўз тилидан ва ўз қадимий маданияти ва тарихидан ажраллиб қолаётганига ҳисоб сериб ўтирмади.

Халқ кейинги юз эллик йил мобайнида ўз фойдасига хабар чиқишини унутган, бундай хабар чиқиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмай қўйган эди.

Кейин Чўлпон «Сайланма»си чиқди. Фитрат ва Бехбудий асарлари матбуот юзани кўрди. Илохий Қуръ-

лиқиллатиб қўйишди: вақт йўқ, пул топиш керак, болача боқиш керак...

Нафасим ичимга тушиб келди. Заррача эътироз билдириолмайман. Нима дейман? Ахир, ростдан ҳам болачақани боқмаса, пул топмаса, бўлмайди-ку?..

Шундай қилиб катта халқ эканмиз дегн. «Кеча ва кундуз»лару, «Саҳиҳ»лар, «Шаймоий»лару, «Хилол»лар бари океанга тушган томчидай сингиб кетди. Бебаҳо жавоҳиротлар кўк океан тагига чўкди.

Мана, энди бироз вақт ўтгач, англадимки, бу каби

ва сифат, хусусиятлари пайдо бўлди. Жаҳон таниди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банклари, элчихоналар, Миллатлар Ташкилотининг ваколатхоналари ва турли идоралари, Россиянинг империячилик сифатидан расман воз кечиши, қўшнларнинг босиб олинган ерлардан олиб кетилиши, халқроқ борди-келди алоқаларнинг шиддат билан ўзига йўл солиши, Осн йўли, Оврўпо йўли, Америна йўли, Россия йўли... Ўзбекистон энди ҳамма йўллардан, ўзига ва ўгаларга ман-

Езувчи Мавлон Икром кўрган, иккинчи даражалига эга, яъни зотли овчи унинг Улуғ Ватав уруши ган антиқа фидойиликлари ўқийсиз.

кинология мактабида таҳсил кинолог-эксперт увоинитлар судасидир. Қуйда йилларида итларнинг кўрсатди ҳақидаги қиссасидан парча

— Урушгача ким эдинг, старшина?

— Овчи.

— Итинг ҳам бормиди? — Саволигиз жуда галаги, ўртоқ майор, овчи бўлади ити бўлмайди! — дедим.

— Демак, итинг тилини билар экансан-да! — Ҳа, гаплашиб турардик.

— Ундай бўлса, сени махсус батальонга юборсан нима дейсан? У ерда итларни ўргатувчи инструкторлар ҳаводан зарур.

Мен урушнинг биринчи ҳафтасидаёқ Гитлер армиясида ўттиз минг, бизнинг қизил армиямизда олтмиш минг ит хизматда эканлигини эшитган эдим. Ушандаёқ махсус батальонда бурчини ўташ орасида «ўнгилнинг бир чеккасида «йилт» этиб ёнган эди. Пож командирнинг бу таклифини мамнуният билан қабул эдим. — Айни муддао-да! — дедим.

— Жуда саз. У ердаги вазифанг ҳам жиддий, ҳам машаққатли. Эллаб кетишинга шубҳам йўқ. Омад тиламан, старшина! — деди полк командири пировардида қўл сиқиб хайрлашаркан.

— Шундай қилиб десанг, — давом этди Дим Димич, — итлар батальониди хизматни бошлаб юбордим.

— Ниҳоят, орзунг ушайлибди-да.

— Ҳа, ушайди!.. Бинобарин, ўзинг қизиққан соҳада ишлаш, кишига куч-ғайрат бағишлар экан. Ишга бошим билан шўнғиб кетдим. Жониворларнинг тури ҳам, зоти ҳам хилма-хил эди. Касбинг итшунос бўлгандан кейин хилини, насл-насабини ҳам билиб олар экансан. Мана шу итлардан биттасини сенга таърифлаб берай. Бу жуда қизиқ. Дунёда Канаданинг Ньюфаундленд оролида қарийб бундан уч юз йил муқаддам бунёдга келган ғаввос ит бор. Уларни Ньюфаундленд итлари деб аташди. Қора, малла, оқ ва кул ранглилари мавжуд. Нирик ва бақувват итлар. Мутахассисларнинг айтишича, бу итлар норвегиялик ҳарбий денгизчи Лайор Эрсоннинг айиббосар итларидан тарқаган. Улар ҳар қандай қаттиқ совуқни писанд қилишмайди. Қалин қорда ҳам ченани яхши тортади. Вазарти йўлда кетаётганда, ногаҳон кучли қор бурони бошланган қолса борми, Ньюфаундлендлар дарров чўчур қазиб, ҳам эгасини, ҳам ўзини бекитиб, ҳалокатдан сақлайди. Тугма ғаввос сифатида қишда ҳам ҳеч сесканмасдан бемалол сувга тушаверади. Унинг илки мойи билан табиий мойланган жувлари ўзига суя юктирмайди. Бу итлар пойлоқчи ва овчи бўлибгина қолмасдан, ёзда аравакаш, қишда ченакаш ҳамдир. Илгари бир заставадан иккинчи заставага почта ташиган. Балчиқларнинг гўрнин сувдан тортиб чиқаришда ҳали хозиргача ёрдам беради. Урмонда, устига ўрнатилган махсус жабдуқ ёрдамида ҳедара ташийди. Божхона ва чегара постларида жомадон ва халталарни ҳидлаб, ман этилган товарларни фощ этишдек хизматни ўтайди. Аслида унинг асосий вазифини сувда ғарж бўлаётганларни қўқаришидир. Тарихдан маълум: 1812 йили Наполеон Бонапарт Ёлба дарёсида қочиб кетаётганида кемалар сувга қўлаб тушади. У сувзини билмас экан. Қўқабган Наполеонни Ньюфаундленд ити сувдан олиб чиқарди.

— Офарин, гаройиб ит экан, кирийи боқсанг арзийдиган.

— Жуда ҳам, — тасдиқлади Дим Димич. — Аслида ҳар қайси зотнинг ўзига яраша устуялиги бор. Бошқа зотлар ҳам чакки эмас. Дарвоқе, Ньюфаундлендлар ҳарбий хизматга бевосита алоқадор. Батальонда шунақа итлардан учтаси бор эди. Улар эртадан кечгача ишлаб чарчамасди. Айниқса, дайди итларни ченакашликка ўргатишда бизга яхши ёрдамчи эди улар. Мен сенга айтсам, Темур, эскадрондаги ташвишлар ҳолва экан. Ўнлаб итга «дарс» бериш ва уларни топширини бажаришга ўргатиш осон эмасди. Майор Раевскийнинг: «У ердаги вазифанг ҳам жиддий, ҳам машаққатли» деганича бор экан. Бироқ ўзинг севган соҳа бўлганили учун ҳар қандай қийин бўлишига қарамай тезда кўникиб кетаркансан киши. Энг осони, вайрона қишлоқлардан келган дайди итларни чена тортишга ўргатиш эди. Бино-

барин, эгасиз итларнинг қозоқ атрофида айланб юриши табиий бир ҳолдир. Биз ана шу ўзи келган саёқ итларни «ўнгилдилар» деб атардик. Ана шу «ўнгилдилар» тажрибали итлар қаторида икки-уч марта олдинги жабҳага бориб келса киёф, кейин ченани бемалол тортаверарди. Бу тоифа итларга «Олга», «Ол», «Телма», «Ет», «Енимга кел» сингари сўзларни ўргатиш шарт эмасди. Чунки, етакчи итлар нима қилса, улар ҳам шунини қилишга тезда ўрганади. Қўшувда юрса, юриб, тўхта-са тўхтади.

Батальонда энг мушкул нарса итшунос инструкторларни таъйириш масаласи эди. Нега десанг, дуч келган одамни бу ишга жалб қилиб бўлмайди. Жониворни севадиган, унга ит деб эмас, жанговар дўст деб қарайдиган кишиларни топши, танлаш зарур эди. Бундай одамлар сафимида йўқ эмасди. Лекин, уларни бизга ким берарди дейсан?

— Овчиларни назарда тутаясанми?

— Ҳа-да. Овчи, бу — тажрибали изтопар, ўткир мерган. У тобланган, чидамли, бардошли ва эпичил жангчи. Ана шу итларни ўз измига солиб, тил топиб гаплашадиганлар ҳам овчилар. Уларни бизга ҳеч ким бергиси келмасди. Ахир, ўзинг йўлаб кўр, ҳар қандай командир ўз бўлинимасида чиниққан, ажибр, талбиркор, тезкор одамлар бўлишини истайди ва ушларга суянади ҳам. Бундай сифатлар фақат овчиларга мансубдир.

— Суворов Алп тоғларини забт этганида биринчи бўлиб овчилар ротаси йўл бошлаб берган. Кутузов ҳам ўз армиясидаги овчиларни жуда қадрлаган. Энг оғир дамларда уларни жангга ташлаган. Овчилар ҳаминча галаба келтирган. Батальонга бошқа бўлиналардан баъзи овчиларни олиндишта бошлиқларининг бевосита жиддий аралашуви туфайлигина муяссар бўлардик.

— Қайси маънода? — Шу маънодаки, миначилар билан алоқачилар бизни шошириб қўйишди. Қон қусиб чекинаётган аламазда душман кўприк ва йўлларни миналаштирди. Миначилар ана шу миналарни қидириб топиб, ҳужум қилувчи қў-

Айрим одамлар, хусусан, умрида биронта ҳам ит сақламаган кимсалар бу жонзотга ёмон кўз билан қарайдилар. Уни сўқадилар, тепадилар, тош отиб, таёқ отиб ҳайдайдилар. Аммо вафодорликда ва қўриқлашда бу ҳайвонга тенг келадиган ёхуд у билан бақшлаша оладиган бошқа бирор жониворни топши амримаҳол!

Гуруҳларда машгулотлар доимо қизгин ўтарди. Баъзан бирмунча қийинчиликлар, гоҳо чалкашликлар содир бўлардики, улар сабр-тоқат ва қўнг билан ишлаш натижасида бартариф этиларди. Алоқачи, почтани, санитар, ченакаш, мина изловчи, разведкачи итлар гуруҳларида ишлаш нисбатан осон эди...

— Армиямиз ҳужумга ўтгач, — давом этди Дим Димич, — батальонга талаб кучайди.

— Қайси маънода? — Шу маънодаки, миначилар билан алоқачилар бизни шошириб қўйишди. Қон қусиб чекинаётган аламазда душман кўприк ва йўлларни миналаштирди. Миначилар ана шу миналарни қидириб топиб, ҳужум қилувчи қў-

чириқ киноясига эътибор бермай, ўз ишини давом эттирдирди. Воракута Дозорни бир-икки ичкарига ундаб қўрди. Ит остана ҳатламади ҳам.

— Итингни ол! Мен ўзим кириб чиқаман! — деди ҳалиги миначи. — Ҳеч бало йўқ! Бехуда овора бўлясан! — Жим тур. Сабр қил! — деди Воракута.

Модомики ит ичкарига кирмаётган бўлса, демак у ҳолда йўлакни, кейин эшикни синчиқлаб текшириш зарур эди. Хийла уринишдан кейин, Воракута усталик билан хастушланган биффорд шнурини толди. Шнурнинг бир учи эшик тепасига — бўғотга ўрнатилган минага, иккинчи учи эса портлагичга уланган экан. Маълум муддат ўтгач, портлайдиган мина топилиди.

Воракута миначи солдатга энди жаовоб айтди.

— Сувга бу кўппакни эмас, сен ярамасни чўштири керак!

Атродфажилар хоҳолда кулишди. Миначи бечора сержант, анграйиб турарди. У итинг топагонлигини қўриб батамом гунг бўлганди.

ди, холос. Бошқаларни тан олмайди.

— Вафодор деб бекорга айтишмаган эканда.

— Ҳа, албатта! Сенга йўлдасини айтсам, бизнинг тўрт оёқли жониворлар Оқ денгиздан тортиб то Қора денгизгача бўлган катта жабҳадаги жангу-жадалларда иштирок этган.

Дим Димич жомадонидан кичик ёндафтар олиб, варақлади.

— Бурноғи йили Москва яқинидаги Қизил Юлдуз орденли ҳарбий итлар Марказий мактабининг шон-шўрат музейида бўлидим. Мана бу даяил ва рақамларга эътибор бергина, бу жуда қизиқ!

Сталинград жангида, атиги бир кунда, итлар душманинг йигирма еттига танкини портлагиб, яқсон қилган.

Уттизинчи армия қўмондони, генерал лейтенант Д. Д. Лелюшенко 1942 йил, 14 мартда фронт штабига қўйидаги ахборотни юборган: «Душман танкларни қирувчи итларимиздан жуда кўрқайди. Уларни отиш учун махсус мерганлар ажратган...»

Тюмень вилоятиндан келтирган учта овчи лайка: Жучок, Товариш, ва Моржк Дондан то Прагагача жанговар йўлни босиб ўтган. Жучок икки марта ярадор бўлган...

Санкиз ёшли чемпион — драхтаар Гектор (дагал жули немис исковичи) уч метр чуқурликда қўмилиб ётган авиобомбани қидириб топган.

Почтальон Рене бир минг олти юз қирқ иккита жанговар маълумот ташиган, уч марта Днепр дарёсидан сузиб ўтган.

Бошқа бир почтальон — Норка эса, бир йил (1942-43) мобайнида икки минг уч юз тўқсон сакизта жанговар маълумот ташиган.

Уруш йилларида «Олапар саперлар» (фронта шундай деб аташган) тўрт миллиондан ортиқ мина ва бошқа портловчи асқаларни топганлар. 1944 йилнинг 1 январидан 28 мартгача, яъни 3 ой ичида нартага қўшилган жониворлар олдинги жабҳадан ўн уч минг беш юз ярадорни олиб чиқиб, қайтишга уч юз тонна ўқ-дори келтирганлар.

Махсус ўргатилган итлар разведкачилар билан бирга самолётдан парашют орқали сакраганлар...

Мана шунақа, оғайинжон Темур. Бизнинг олапарлар чакки эмас. Улар Ленинград, Киев, Одесса, Белгород, Полоцк, Витбеск, Прага, Будапешт, Варшава, Вена, Берлин каби жуда кўп шаҳарлар учун бўлган жангларда қатнашган. Бунақа мисолларни айтсаверса адо бўлмайди. Йўлларни миналардан тозалаб, қўшиларнинг минанинг шиддатли ҳужумини тезлаштиришда тўрт оёқли дўстларимизнинг ҳам муносиб улуши бор. Музейда иккита махсус полк, бир юз олтмиш олтига алоҳида батальон ва роталар олтмиш минг ити билан фронтда иштирок этгани зарҳал харфлар билан ёзиб қўйилган. Бу гаплардан ҳамма ҳам хабардор дейсанми? Итларга ит деб эмас, жонивор деб, ҳамма вақт ёнингда юриб, мушкулнинг осон қиладиган жанговар ҳамроҳ деб, ҳеч қачон сени ташлаб кетмайдиган вафодор дўст деб қарамоқ жоиздир. Ит деб аталмиш бу жонивор башарти ўлсанг қабринг ёнида то ўян ҳам ўлгунча ётади, фақат эрталаб ва кечқурун — кунда икки маҳал уйга бориб, оқаётгани келади. Бошқа вақт ҳеч қайқа жийламай, қабр пойида, ёзда — ерга бағрини бериб, қишда эса, қор-ёғирни писанд қилмай — кўлча бўлиб ётади. Аҳе-аҳеда узув у-в-в тортиб, гингитиб ҳам қўяди. Эгасини қўмсайдди, соғинади.

ТЕНГИ ЙЎҚ АЛОҚАЧИЛАР

Стетаскопнинг ишламаганлиги сабаби — мина ёғоч қутида эди. Батальонга талаб кучайганининг сабабини энди англаётганми?

— Албатта, — дедим жаовоб бериб. — Дозор ажойиб ит экан, қойил!

— Ҳа, у ит Олтин Ретривер зотида экан. Миср ва афгон бораилари ҳамда Урта Осиенгиз тобиси бу зотнинг узоқ бекоралонлари ҳисобланади, ватани Англия, — таърифлаб берди Дим Димич.

— Душманини шиддат билан қувиб-янчиб бораётган аснода телефон алоқаси деярлик иш бермайди, — давом этди у бироздан кейин, — бундай пайтларда фақат рация иш беради. Рация ҳар қандай шароитда — турганда ҳам, юрганда ҳам тўхтовсиз ишлайверади. Бироқ, рацияни душман ҳаминча овлайди. Қачон бўлмасин озгина тўхтаसाю перадаччи ишласа б. Салдан кейин ўша жойга ҳаводан кетмадек ўқлар ёғилади.

Хуллас калом, қўналғида турганда, баъзан эса ҳужум пайтида ҳам алоқачи итларнинг қадри юқори бўлади. Буйруқ ёки муҳим маълумот ёзилган қозоқ ит бўйнидаги қайишга ўрнатилган нам ўтмас портедешиники ичка солияди. Сўнгра ит бу штабдан у штабга юборилади. Бу ўрида у томонда ҳам итнинг танийдиган ва ит унинг танийдиган одам — алоқачи бўлиши шарт. Ит бўйнидаги портедешиники дуч келган одамга беравермайди. Алоқачи итлар бундай вазифарларни ўтда ҳам, сувда ҳам баравар бажараверади. Улар ўқ ёғиридан ҳам ўтаверади. Дарёдан ҳам сузаверади. Тенги йўқ алоқачилар деб ана шу итларни юксак баҳолаганлар Улуғ Ватав уруши фронтларида.

— Разведкачиларга итнинг сизлар таъйирлаб беравмидиларини?

— Бизнинг одам ўз ити билан уларга қўшилиб боради. Қонда шунақа. Ахир ит ҳаммага ҳам итгаз этавермайди-да. У фақат битта одамга — эгасига бўйсун-

Воракута итини ишга солади. Дозор ертўла эпинг тағида тўсатдан чўнқайди. Ҳамма ҳайрон бўлади. Ҳозиргина қўлида асбоб билан ичкарига кириб чиққан миначи йингит ит устидан кулиб, масҳара қилади.

— Қай гурдан топдинг бу ярамас кўппакни, уни сувга чўктириб юбор!

Воракута Дозорнинг ўткир ҳид билан қўбилияти борлигини яхши биларди. Шу важдан миначининг қо-

Кетди-кетди деган шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Қарасам ҳали каллан сахар. Бироқ беданазоликни да фарёд тинмасди. Бирор жойга ўт кетдимикин ёки ўғри-пўғри тушдимикин деган хаёлда тўнимини елгагай олдим-да, шошилиб кўчага чиқдим. Ташқарида мендан бошқа ҳам тўрт-бешта ёш яланг-у сахарашта чоллар туришибди. Нима гаплагини суриштирсам, —

Боқи бобонинг беданасини қафас-пафаси билан ит кўтариб кетибди, — деди улардан бири. Бобонинг ўзи бўлса йиғлагудек бўлиб, тўп-ланганлардан, нажот излагандай намиққан кўзларини жавдирашиб турибди.

— Во-ой, шунга шунчами, бедана ҳам мол бўлибди-ю! Совоймардон бунча одамни бошига тўллаб, э, кўтарсин сан қариб қуйилмаганин, — деди жовдираб ҳовлиқиб бошяланг чиққан Кумри кампир.

Бобонинг жазаваси баттар авжига минди.

— Ҳо-ой, мусулмонлар, ушланглар уни, мана бу ёққа кетди зангар эш-шак-

Афандулнинг ХУРЖУНИ



дай келадиган қора ит экан.

Қариянинг кўнгли учун ёшлардан икки-учтаси кўларига паншаха олиб, итни

— Бедана от билан туй бўлибдими, бунча азият чекасиз, қафасни ҳам тўртта чўп билан бир қарич матоҳдан ясаб оласиз, — қария

май, бир-биримизга қараб олишдик. Шу пайт итни қуулаб кетган ёшлар ҳам қайтиб келишди. Бирининг кўлида дабдала бўлган бўлиб қафас турарди. Бобонинг ранги бузариб кетди. Қафасни юлқиб олди-да у ёқ бу ёғини пайпаслаб кўрди, ҳол-сизланиб энди ерга ўтирмоқчи бўлганида ҳалиги йигит илжайганича кўлтирида бир даста пул олиб узатди.

— Бедананизини ит еб кетибди, хайриятки омонатга хиёнат қилмабди. Тўплаганларнинг бири ёқа ушласа, бири хандон отиб куларди.

Мухаммад ПИРРИЕВ

ОМОНАТ

қувлаган бўлишди.

— Сабиёл қолсин ўша бедана, менга, қафасни келтиринглар, қафасни! — уларнинг ортидан бақириб қолди бобо.

ни тинчлантирган бўлдики. — Тўртта чўп эмиш-а, тўртта чўп эмиш. Менинг охиратим кетди у қафас билан.

Визлар ҳеч нима тушун-

МЕЗБОНЛИКДАГИ САБОҚ

Роқия жияни Нафиса билан келган талаба қизларни останада кутиб олар экан, эини ташқарисидаги қизининг шиппагини оёғи билан тешиб, ичкарига қараб ўшқарди:

— Ҳой, Гулноз, сўқим-чак, кўчадан кирганда оёқ кийимни бир чеккага ечишни билмайсанми? Ҳа, қиз бўмай туз бўгур!.. Қани, қизлар, ичкарига марҳамат. Қизлар ичкарига аста кириб келишди.

— Қани, ўтиринглар қизлар! Ҳой Гулноз, креслога секинроқ ўтирсанг ўласанми?! Й-янги креслонинг пружинасини эзибсан, яра-мас.

Қизлар стулларга омонатгина чўкишди.

Роқия чой дамлаб кириб, яна қизига ўшқирди:

— Сени дастингдан дастурхонга конфет қўйиб бу-

ладими?! Қани, конфетдав олиб ўтиринглар, қизлар. Гулноз, тарбиясиз, зайноқ шилвани полировка стол устига қўйдингми?

Қизлар шилваларни кўларинда тутганича қаерга қўйишни билмай қимтишиб ўтиришарди.

— Майзадан олиб ўтиринглар... Сен майязни жо-йига қўй, Гулноз! Тинчинга кўрт тушади! Бор, кечани маставадан ярим қосадан сузиб кел! Оёғингни тапиллатмай бос! Ҳа, қизлар, янамага турдинглар? Вой, овқатга қарамайсизларми? Овқатланувдингларми? Шунақамми? Гулноз, опаларингга «хайр» дегин! Бор энди дастурхонни йиғиштириб қўй! Қизлар ташқарига ўзларини уришди. Улар кўчага чиққич, қафасдан қутулгандай енгил тин олишди.

Ўмар ЮСУФ

ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

Темирйўл тафтишчиси йўловчига деди:

— Сиз тезроар поездда кетярсиз, паттани эса оддий поездга олгансиз. Устига тўлашингиз керак.

— Нега энди? Секинроқ юраверинглар, мен шошаётганим йў.

Келиннинг отаси булажак кўёвнга деди:

— Сиз балки ичарсиз, қарта ўйнаб, аёллар билан машаат ҳам қиларсиз.

— Э нималар деяйсиз?

Мен бунақа гуноҳлардан йироқман.

— Унда мен қизимни сизга бермайман.

— Нега?

— Хотиним билан қизим сизни менга ўрناق қилиб кўрсатавериб, безор қилишадди.

Хотин, эснаб ётган эрига деди:

— Менга қара, мадомини барябир оғзинг очиб экан, биратўла кўчадаги кенжатоини чақирвор, уйга қайтсин.

Дўхтир беморни узоқ текшириб кўргач, бош чайқаб деди:

— Сизга нима бўлган ўзи, ақлим бовар қилмайпти. Менинча, бу ичкиликнинг таъсири бўлса керак.

— Унда майли, дўхтир-жон, ҳушёр пайтигизда келарман.

Қоқ ярим тун. Кўчада

Маст одам кўчада мелисани тўхтатиб, сўрайди:

— Мен қаердаман ўзи?

— Горький шоҳқўчасидаги бешинчи уй ёнидасиз.

— Майда гапни қўйинг.

Мен қайси шаҳардаман?

— Азизим, ҳозир нима иш қилисан?

— Нонушта қилияман?

ХАНДАЛАР

Йилт ётган чироқ кўринмайди.

— Уртоқ мелиса, айтипти, бу кўчадан юриш хавфли эмасми?

— Хавфли бўлганда бу ерда юрмасди.

Еши ўтиб қолган икки киши гурунлашарди:

— Биласанми, илгари аёллар ҳақида ўйлашим ҳаммон эхтиросим жўшиб кетарди. Энди бўлса, қанчалик тиришиб ўйламай, ҳеч нарсаи сезмайман. Менинча, калламга бир бало бўлганга ўхшайди.

— Нонуштада нималарни емоқдасан?

— Бу телефонда айтила-диган гап эмас!

Бош жарроҳ бемордан сўради:

— Нега сиз операция хонасидан қочиб кетдингиз?

— Чунки ҳамшира «Ваҳима қилманг, чўчиманг, кўри-чак операцияси оғир эмас!» деди.

— Ҳўш, нима бўпти. У тўғрисида айтибди.

— Аммо у бу гапни жинга эмас, тепамда турган ёш жарроҳга айтди-да!

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Қани ўрмонзорда юрган сайёҳ ялангликка чиқибди. Муновоқ қараса шу ерлик қабла вакили тўхтовсиз дўм-бири чалаётган эмиш.

— Нима қиласиз! — деб сўрабди сайёҳ.

— Бизда бир неча кундан буён суз йў.

— Тушунарми... Демак Сиз суз юборишларини сўраб илтижо қилмоқдасиз!

— Йў, мен шунчаки сантехникни чақиртмаман.

Рухий касал бўлган бемор дўхтирга ўзи чизган суратини кўрсатиб, дедди:

— Мана бу ўтлоқдаги ситир. Кўряпсанми у қандай миштада билан ўт қавшайпти.

— Утни кўрмайман.

— Ули ситир еб қўйган-да.

— Ситир йў-ку бу ерда!

— Утни еб битиргач, ситир нима қилсин бу ерда!

Машҳур саёҳатчи меҳмондорчиликда ўн йил одамхўрлар орасида яшаганини ҳикоя қиларди.

— Афсус! — дея хитоб қилди уй бекаси. — Мен қўй гўштидан овқат тайёрлабман.

Хотин ушлаш олдидан ўйларди: «Қизим, у эртага турмуш қурганимизга 15 йил тўлишини билармикини! Эласас керак. Совганим унутмагандир...»

Енида ётган эри эса шундай ўйларди: «15 йил-а! Агар ўшанда уни бўғиб ўлдирганимизда эртага озодликка чиқардим...»

Қўйди-чиқди маҳали судья сўрайди:

— Сиз бу хотинни биласизми?

— Сал-пал билмаман. Янгир-ма йил унинг эри эдим.

Икки киши ресторанда ароқ ичиб ўтиришарди. Шунда улардан бири деди:

— Етар энди, ичмайман!

Нарсалар қўзимга иккитадан бўлиб кўриняпти.

Ишончсиз чўнатиқдан минг сўмлик пул чиқариб берарикан, шундай деди:

— Азизим, эсингизми, менга икки минг сўм қарз бергандинг. Мана, ўша пулнигни олиб қўй.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмои ОТАБЕК
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: ШУҳРАТ ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислом УСМОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Еқубжон ХУЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Шохруҳ АҚБАРОВ
Саидмаҳмуд АҚБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарриратта келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 000011.
Буюртма № Г—816.
24490 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Сиз қандай изохлайсиз? Сураткаш О. МАҲКАМОВ